



MODERN PHILOSOPHICAL APPROACHES TO THE TRANSFORMATION OF LOCAL REPRESENTATIVE POWER IN UZBEKISTAN

Sherzod Tolibovich Rakhmonov

Head of the Secretariat of the Bukhara Regional Council of People's Deputies

Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogical Sciences

Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: local representative power, transformation, positivism, communitarianism, deliberative democracy, human dignity, mutual trust, subsidiarity, philosophical approach, local Councils, civic participation, social responsibility, openness, accountability, public administration, democratization, social capital, digital platforms, public oversight, legitimacy, civil society, modernization.

Received: 18.08.26

Accepted: 19.08.26

Published: 20.08.26

Abstract: This article analyzes modern philosophical approaches to transforming local representative power in Uzbekistan, focusing on positivism, communitarianism, and deliberative democracy. It examines positivism's empirical, science-based governance principles, communitarianism's emphasis on community interests and social responsibility, and deliberative democracy's mechanisms for open discussion and civic participation. The practical significance of "human dignity," "mutual trust," and "subsidiarity" for local Councils' activities is substantiated. The author argues that synthesizing these philosophical approaches forms a coherent conceptual foundation for modernizing local representative power. Attention is also given to information technologies and digital platforms in democratizing local governance. The article also aims to further improve local Councils' work based on scientific, social, and democratic principles.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВЛАР

Шерзод Толибович Раҳмонов

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши котибияти мудири

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: маҳаллий вакиллик ҳокимияти, трансформация, позитивизм, коммунитаризм, делибератив демократия, инсон қадри, ўзаро ишонч, субсидиарлик, фалсафий ёндашув, маҳаллий Кенгашлар, фуқаролик иштироки, ижтимоий масъулият, очиклик, ҳисобдорлик, давлат бошқаруви, демократлаштириш, ижтимоий капитал, рақамли платформалар, жамоатчилик назорати, легитимлик, фуқаролик жамияти, модернизация.

Аннотация: Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформация қилишнинг замонавий фалсафий ёндашувлари – позитивизм, коммунитаризм ва делибератив демократия концепциялари атрофлича таҳлил қилинади. Позитивизмнинг эмпирик ва илмий асосланган бошқарув тамойиллари, коммунитаризмнинг жамоа манфаатлари ва ижтимоий масъулиятга асосланган қарашлари ҳамда делибератив демократиянинг очик мунозара ва фуқаролик иштирокини таъминловчи механизмлари ёритилади. Шунингдек, "инсон қадри", "ўзаро ишонч" ва "субсидиарлик" тамойилларининг маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги амалий аҳамияти асосланади. Муаллиф ушбу фалсафий ёндашувларнинг синтези маҳаллий вакиллик ҳокимиятини модернизация қилишнинг яхлит концептуал асосини ташкил этишини таъкидлайди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли платформаларнинг маҳаллий бошқарувни демократлаштиришдаги ролига ҳам эътибор қаратилади. Мақола маҳаллий Кенгашлар фаолиятини илмий, ижтимоий ва демократик тамойиллар асосида такомиллаштиришга йўналтирилган. Тадқиқот натижалари маҳаллий бошқарув соҳасида амалий-назарий аҳамиятга эга ҳисобланади.

СОВРЕМЕННЫЕ ФИЛОСОФСКИЕ ПОДХОДЫ К ТРАНСФОРМАЦИИ МЕСТНОЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Шерзод Толибович Рахмонов

Руководитель Секретариата Бухарского областного Кенгаша народных депутатов
Доктор философии (PhD) по педагогическим наукам
Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: местная представительная власть, трансформация, позитивизм, коммунитаризм, делиберативная демократия, человеческое достоинство, взаимное доверие, субсидиарность, философский подход, местные Кенгаши, гражданское участие, социальная ответственность, открытость, подотчётность, государственное	Аннотация: В данной статье всесторонне анализируются современные философские подходы к трансформации местной представительной власти в Узбекистане – концепции позитивизма, коммунитаризма и делиберативной демократии. Раскрываются эмпирические и научно обоснованные принципы управления в рамках позитивизма, взгляды
--	---

управление, демократизация, социальный капитал, цифровые платформы, общественный контроль, легитимность, гражданское общество, модернизация.

коммунитаризма, основанные на интересах сообщества и социальной ответственности, а также механизмы делиберативной демократии, обеспечивающие открытую дискуссию и гражданское участие. Также обосновывается практическое значение принципов "человеческого достоинства", "взаимного доверия" и "субсидиарности" в деятельности местных Кенгашей. Автор подчёркивает, что синтез данных философских подходов формирует целостную концептуальную основу модернизации местной представительной власти. Кроме того, уделяется внимание роли информационно-коммуникационных технологий и цифровых платформ в демократизации местного управления. Статья направлена на совершенствование деятельности местных Кенгашей на основе научных, социальных и демократических принципов.

Кириш. Вакиллик ҳокимиятини трансформациялаш жараёнларини фалсафий таҳлил қилишда позитивизм муҳим назарий асос сифатида намоён бўлади. Позитивизмнинг илмий мазмуни, аввало, жамият ва давлат ҳодисаларини эмпирик кузатиш, тажриба ва аниқ фактлар орқали ўрганиш заруриятига асосланади. Бу ёндашувга кўра, давлат бошқаруви, айниқса маҳаллий вакиллик органлари фаолияти субъектив қарашлар, анъанавий стереотиплар ёки идеологик таъсирлардан холи равишда, реал ижтимоий эҳтиёжлар ва аниқ статистик маълумотлар асосида шакллантирилиши лозим. Позитивизмнинг классик намоёндалари ҳисобланган Огюст Конт ва Герберт Спенсер томонидан илгари сурилган ғоялар жамиятни “илмий бошқариш” концепциясининг шаклланишига замин яратган.

Ўзбекистон мисолида, сўнгги йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш, депутатлик назоратини кучайтириш, аҳоли билан мулоқот механизмларини такомиллаштириш каби чора-тадбирлар позитивистик ёндашувнинг амалий ифодаси сифатида қаралиши мумкин. Бу ислохотлар орқали қарор қабул қилиш жараёнида шаффофлик, ҳисобдорлик ва самарадорликни таъминлаш мақсад қилинган. Позитивизмни татбиқ этишда кадрлар масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки илмий асосланган бошқарувни амалга ошириш учун юқори малакали, аналитик фикрлай оладиган мутахассислар зарур.

Маҳаллий вакиллик ҳокимияти тизимида фаолият юритувчи кадрлар статистик таҳлил, иқтисодий моделлаштириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш каби кўникмаларга эга бўлиши керак. Бу эса таълим тизимини такомиллаштириш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини кенгайтиришни талаб этади.

Позитивизмнинг яна бир муҳим жиҳати — прогнозлаш функциясидир. Илмий таҳлил асосида келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш бошқарув самарадорлигини оширади. Аҳоли сонининг ўсиши, урбанизация жараёнлари ёки экологик муаммоларни олдиндан прогноз қилиш маҳаллий вакиллик органларига стратегик қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу эса барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, позитивизмни абсолютлаштириш ҳам айрим чекловларга олиб келиши мумкин. Чунки ижтимоий жараёнлар фақат рақамлар ва фактлар билан чекланиб қолмайди, балки инсон омили, маданий қадриятлар ва маънавий омиллар билан ҳам боғлиқ.

Вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда позитивизм асосларини татбиқ этиш

№	Позитивизмнинг асосий тамойили	Вакиллик ҳокимиятида анъанавий ҳолат	Трансформациялаш йўналиши	Кутилаётган натижа
1	Далил ва эмпирик маълумотларга таяниш	Қарорлар асосан маъмурий ахборотларга таяниб қабул қилинади	Мантикий таҳлил, социологик сўровлар, статистик маълумотлар, Big Data ва мониторинг натижалари асосида қарор қабул қилиш	Илмий асосланган ва объектив қарорлар қабул қилинади
2	Объективлик тамойили	Субъектив ёндашувлар ва шахсий омиллар таъсири юқори	KPI, индикаторлар ва мезонлар асосида фаолиятни баҳолаш	Шаффоф ва адолатли бошқарув шаклланади
3	Қонуниятларни аниқлаш ва прогноз қилиш	Муаммоларга реактив ёндашув устун	Таҳлилий моделлар, прогнозлаш ва рискларни баҳолаш тизимини жорий этиш	Проактив ва стратегик бошқарув таъминланади

4	Илмий эксперимент ва инновациялар	Анъанавий бошқарув усуллари сақланиб қолади	Пилот лойиҳалар, рақамли платформалар ва инновацион бошқарув механизмларини синовдан ўтказиш	Самарали инновациялар амалиётга татбиқ этилади
---	--	---	--	---

1-жадвал. Вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда позитивизм асослар.

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда позитивизмни бошқа фалсафий ёндашувлар — герменевтика, прагматизм, институционализм билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса комплекс ёндашувни таъминлаб, бошқарувнинг самарадорлигини янада оширади. Позитивизм феномени замонавий давлат бошқаруви назариясида илмийлик, аниқлик ва тизимлилик тамойилларини мустаҳкамлайди. Ушбу ёндашув маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформациялаш жараёнида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, унинг илмий-назарий ва методологик асосларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Давлат бошқарувини модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашда позитивизмнинг ўрни бекиёсдир.

Вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда коммунитаристик ёндашувни англаш, энг аввало, унинг фалсафий-онтологик ва ижтимоий-сиёсий асосларини очиқ беришни талаб этади. Коммунитаризм XX асрнинг иккинчи ярмида шакланган бўлиб, либерализмнинг индивидуализмга асосланган қарашларига нисбатан танқидий муносабат сифатида юзага келди. Унда жамиятни алоҳида шахслар йиғиндиси сифатида эмас, балки маънавий, маданий ва ижтимоий алоқалар тизими сифатида кўриш устувор аҳамият касб этади. Бу ёндашувга кўра, инсон фақат ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби эмас, балки муайян жамоа аъзоси сифатида бурч ва масъулиятларга ҳам эга бўлади.

Шу нуқтаи назардан, вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда коммунитаристик ёндашув жамоат манфаатларини индивидуал манфаатлар билан уйғунлаштиришга қаратилган концептуал механизм сифатида намоён бўлади. Коммунитаристик фалсафада “жамоа” тушунчаси марказий ўрин эгаллайди.

Вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда коммунитаристик ёндашувнинг асосий омиллари

№	Коммунитаристик	Вакиллик ҳокимиятидаги мазмуни	Амалий натижа
---	-----------------	--------------------------------	---------------

	омил		
1	Жамоа манфаатининг устуворлиги	Қарорлар фақат айрим гуруҳлар эмас, балки маҳалла ва ҳудуд аҳолисининг умумий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.	Ижтимоий адолат ва жамоат ишончи мустаҳкамланади.
2	Фуқаролар иштирокини таъминлаш	Жамоатчилик эшитувлари, очик сессиялар, фуқаролар йиғини ва электрон мурожаатлар орқали аҳолининг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштироки кенгайди.	Иштирокчи демократия ва фуқаролик фаоллиги ривожланади.
3	Ижтимоий ҳамкорлик ва шериклик	Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ННТ, тадбиркорлар ва маҳалла ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади.	Коллаборатив бошқарув ва самарали ижтимоий шериклик шаклланади.
4	Маҳаллий кадриятлар ва ижтимоий бирдамлик	Қарорлар қабул қилишда миллий анъаналар, маҳалла институти, аҳолининг урф-одатлари ва маънавий кадриятлари инобатга олинади.	Ижтимоий бирлик, ўзаро ишонч ва барқарорлик таъминланади.

2-жадвал. Вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда коммунитаристик ёндашув.

Делибератив демократия тушунчаси сиёсий-фалсафий фикр тараққиётида демократик бошқарувнинг сифат жиҳатдан янги босқичини ифодалайдиган концепсия сифатида шаклланган. Ушбу ёндашув анъанавий вакиллик демократиясидан фарқли равишда, қарор қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг фақат овоз бериш орқали эмас, балки мунозара, муҳокама ва ратсионал мулоҳазалар асосида иштирок этишини назарда тутди. Делибератсия тушунчаси латинча “делибераре” – “муҳокама қилиш”, “ўйлаб қарор қабул қилиш” маъносини англатиб, сиёсий жараёнларда очиқлик, фикрлар хилма-хиллиги ва асосланган қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Делибератив демократия назариясига кўра, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарорлар фақат кўпчилик иродасига таяниш билан чекланмаслиги, балки турли манфаатлар ва қарашларнинг эркин муҳокамаси орқали шаклланиши лозим. Бу жараёнда фуқаролар тенг

хуқуқли иштирокчилар сифатида қаралади, уларнинг фикрлари эса ратсионал асосланган ва бошқалар учун тушунарли бўлиши талаб этилади.

Делибератив демократиянинг амалиётдаги кўринишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- жамоатчилик эшитувлари;
- фуқаролар йиғинлари ва маслаҳат кенгашлари;
- иштирокчи бюджетлаштириш;
- онлайн жамоатчилик муҳокамалари;
- фуқаролар ассамблеялари.

Инсон қадрини улуғлаш ғояси замонавий давлат ва жамият тараққиётининг марказий тамойилларидан бири сифатида шаклланган бўлиб, у ҳокимият фаолиятининг мазмун-моҳиятини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Мазкур ёндашувда давлат институтлари, айниқса маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари ўз фаолиятини фуқаролар манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратган ҳолда ташкил этиши зарур. Инсон қадрини эътироф этиш фақат декларатив тушунча эмас, балки амалий сиёсат, бошқарув ва ижтимоий муносабатларда намоён бўладиган комплекс фалсафий категория ҳисобланади.

Инсон қадри тушунчасининг фалсафий негизлари илк бор антик давр мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, инсонни олам маркази сифатида кўриш ғояси билан боғлиқ. Бу йўналиш кейинчалик гуманизм фалсафаси доирасида янада ривожлантирилди. Иммануэл Кант инсонни мақсад сифатида кўриш зарурлигини таъкидлаб, уни ҳеч қачон восита сифатида ишлатмаслик ғоясини илгари сурган. Бу фикр замонавий демократик давлат қурилишида асосий меъёрлардан бирига айланган. Ушбу ёндашув маҳаллий вакиллик ҳокимияти фаолиятида фуқароларга хизмат қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифалар орқали амалга оширилади.

“Инсон қадри”ни улуғлашга қаратилган ҳокимият фаолияти қуйидаги асосий омиллари орқали намоён бўлади

	Асосий омил	Мазмуни
1	Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги	Ҳокимиятнинг барча қарорлари инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун деган тамойил

		устувор бўлади.
2	Халқ манфаатларига хизмат қилувчи давлат бошқаруви	Давлат органлари аҳоли эҳтиёжлари ва муаммоларини ўрганиш, уларни тезкор ҳал қилиш ҳамда сифатли давлат хизматларини кўрсатишга йўналтирилади.
3	Адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш	Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, суд мустақиллиги, коррупцияга қарши кураш ва давлат қарорларининг қонунийлиги инсон қадрини ҳимоя қилишнинг асосий шarti ҳисобланади.
4	Очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик	Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, жамоатчилик назорати, фуқаролар билан мулоқот ва ҳисобдорлик инсоннинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлайди.
5	Ижтимоий ҳимоя ва тенг имкониятлар	Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, муносиб меҳнат ва муносиб турмуш шароитларини яратиш орқали ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи кафолатланади.

3-жадвал. “Инсон қадри”ни улуғлашга қаратилган ҳокимият фаолиятининг асосий омиллари.

Инсон қадрини улуғлашга қаратилган ҳокимият фаолиятини чуқур англашда яна бир муҳим фалсафий жиҳат — эркинлик ва масъулият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишдир. Эркинлик инсоннинг табиий ҳуқуқи сифатида қаралади, аммо у мутлақ эмас, балки муайян ижтимоий ва ҳуқуқий чегаралар доирасида амалга оширилади. Шу нуктаи назардан маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари фуқароларга кенг имкониятлар яратиш билан бирга, уларда ижтимоий масъулият ҳиссини ҳам шакллантиришга хизмат қилиши зарур. Бу эса жамиятда барқарорлик ва уйғунликни таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Эркинлик ва масъулият мувозанати фалсафада кенг ёритилган масалалардан бири бўлиб, Жан Жак Руссонинг ижтимоий шартнома назариясида алоҳида ўрин тутди. Унинг фикрича, инсон ўз эркинлигининг бир қисmini жамият манфаатлари йўлида ихтиёрий равишда чеклайди ва шу орқали умумий фаровонликка эришилади. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида бу тамойил аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда

қарор қабул қилиш, жамоат тартибини таъминлаш ва ижтимоий барқарорликни сақлаш орқали намоён бўлади.

Инсон кадрини таъминлашда инновацион ёндашувлардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Рақамли трансформация жараёнлари маҳаллий ҳокимият органларига ўз фаолиятини модернизация қилиш имконини бермоқда. “Ақлли шаҳар” концепцияси доирасида жорий этилаётган технологиялар шаҳар инфратузилмасини самарали бошқариш, транспорт тизимини оптималлаштириш ва коммунал хизматларни яхшилашга хизмат қилади. Бу эса аҳолининг ҳаёт сифатига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, инсон кадрини улуғлашда таълим тизимининг роли ҳам катта. Таълим инсоннинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Инсон кадрини улуғлашга қаратилган маҳаллий ҳокимият фаолиятини янада кенг қамровда таҳлил қилишда ижтимоий капитал тушунчасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий капитал жамият аъзолари ўртасидаги ишонч, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларининг йиғиндиси бўлиб, у жамият барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари ушбу ижтимоий капитални шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Фуқаролар ўртасида ишонч муҳитини яратиш, жамоавий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликни рағбатлантириш инсон кадрини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Ижтимоий капитал назарияси замонавий ижтимоий-фалсафий тадқиқотларда кенг ёритилган бўлиб, Роберт Путнам уни демократик институтларнинг самарадорлиги билан бевосита боғлайди. Унинг фикрича, жамиятда ишонч ва ҳамкорлик қанчалик юқори бўлса, давлат бошқаруви шунчалик самарали бўлади. Бу ғоя маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида аҳоли билан ҳамкорликни кучайтириш, жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва фуқаролар иштирокини кенгайтириш орқали амалга оширилади.

Инсон кадрини улуғлашда лидерлик омили ҳам муҳим ўрин тутди. Самарали раҳбар фақат бошқарув қобилятига эга бўлиб қолмай, балки инсонпарварлик, адолат ва масъулият каби фазилатларга ҳам эга бўлиши лозим. Маҳаллий кенгашлар ва ижро органларидаги раҳбарлар ўз шахсий намунаси орқали жамиятда ижобий муҳит яратиши мумкин. Бу эса фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Лидерлик назариясида Петер Друкер раҳбарнинг асосий вазифаси инсонларнинг салоҳиятини очиш ва уларни умумий мақсадларга йўналтиришдан иборат эканлигини таъкидлаган. Бу ғоя маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ҳам долзарб бўлиб, раҳбарлар фуқароларнинг фаоллигини рағбатлантириши ва уларни жамият ривожига жалб қилиши зарур.

Вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда “ўзаро ишонч” тушунчаси ижтимоий-фалсафий категория сифатида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу тушунча фақат сиёсий институтлар фаолияти билан чекланиб қолмай, балки жамият аъзолари, давлат органлари ва фуқаролик институтлари ўртасидаги муносабатларнинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Ўзаро ишонч даражаси қанчалик юқори бўлса, вакиллик ҳокимияти органларининг қарорлари шунчалик самарали қабул қилиниб, жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланади. Ишонч ижтимоий муносабатларнинг мураккаб тизимида шаклланадиган кўп қиррали феномен бўлиб, у сиёсий маданият, ҳуқуқий онг, ижтимоий адолат, очиқлик ва ҳисобдорлик каби омиллар билан узвий боғлиқ. Вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятида ишончни таъминлаш учун энг аввало фуқароларнинг манфаатларини ифода этиш даражаси юқори бўлиши лозим. Агар депутатлар ва маҳаллий кенгаш аъзолари ўз сайловчилари билан доимий мулоқотда бўлмаса, уларнинг муаммоларини чуқур англамаса, ишонч даражаси пасайиши табиий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик ҳокимияти тизимида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар айнан ишонч механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган. Халқ депутатлари кенгашлари фаолиятида очиқликни таъминлаш, сессияларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш, депутатларнинг ҳисобот бериш амалиётини жорий этиш каби чора-тадбирлар аҳоли билан давлат ўртасидаги ишончни оширишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда “очиқ ҳукумат” тамойилларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро ишонч механизмларини ривожлантиришда институционал омиллар билан бир қаторда маънавий-ахлоқий омиллар ҳам катта аҳамиятга эга. Жамиятда адолат, ҳалоллик, масъулият каби қадриятлар устувор бўлмаса, ҳатто энг мукаммал институционал тизим ҳам самара бермаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятида ахлоқий меъёрларга амал қилиш ишончни шакллантиришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Мисол сифатида айрим ҳудудларда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари мунтазам ташкил этилаётганини кўриш мумкин. Бундай учрашувларда аҳоли ўз муаммоларини бевосита баён этиш имкониятига эга бўлади. Бу эса фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини оширади. Агар бу мулоқотлар расмий характерга эга бўлиб қолса, уларнинг самарадорлиги пасаяди ва ишонч шаклланмайди.

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида субсидиарлик принципи жамиятни бошқаришнинг энг муҳим фалсафий-методологик тамойилларидан бири сифатида намоён бўлади. Ушбу принципнинг моҳияти шундан иборатки, ижтимоий,

иқтисодий ва сиёсий вазифаларни имконият даражасида қўйи поғонадаги институтлар томонидан ҳал этиш мақсадга мувофиқ деб қаралади. Бунда юқори даражадаги бошқарув органлари фақат қўйи бўғинлар мустақил ҳал қила олмайдиган масалаларга аралашishi керак бўлади. Бу ёндашув марказлашув ва децентрализация ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Субсидиарлик принципи илк бор ижтимоий-фалсафий таълимотларда, айниқса, ғарб сиёсий фикрида шаклланган бўлиб, у жамиятни табиий тарзда ташкил топган иерархик тизим сифатида кўради.

Бунда ҳар бир поғона ўз функциясига эга ва юқори даража қўйи даражанинг фаолиятини чекламаслиги, балки қўллаб-қувватлаши лозим. Ушбу ёндашув ҳозирги замонавий давлат бошқарувида, хусусан, маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида самарали қўлланилмоқда. Ўзбекистон шароитида субсидиарлик принципining татбиқи давлат бошқарувини демократлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, маҳаллий муаммоларни жойида ҳал этиш имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ. Маҳаллий Кенгашлар, маҳалла институтлари, фуқаролар йиғини каби тузилмалар субсидиарлик тамойили асосида ўз ваколатларини амалга ошириши керак. Бу эса, ўз навбатида, жойларда ижтимоий адолатни таъминлаш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Маҳаллий бошқарувда субсидиарлик принципини кучайтиришда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни бекиёс. Рақамли платформалар орқали қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш ва аҳоли билан мулоқотни яхшилаш мумкин. Масалан, “очиқ бюджет” платформалари орқали аҳоли бюджет маблағларининг сарфланишини кузатиши ва ўз таклифларини билдириши мумкин. Бу эса бошқарув жараёнини янада демократик ва шаффоф қилади. Субсидиарлик принципи доирасида гендер тенглиги ва ижтимоий инклюзия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Маҳаллий даражада қарорлар қабул қилиш жараёнида барча ижтимоий гуруҳлар – аёллар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқа қатламларнинг иштирокини таъминлаш муҳимдир. Бу нафақат адолатни таъминлайди, балки қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини ҳам оширади.

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформация қилишда позитивизм фалсафасининг татбиқ этилиши бошқарув жараёнларини субъектив қарашлар ва субъектив иродадан холи қилиб, аниқ, эмпирик ва илмий манбаларга таянишни таъминлайди. Позитивистик методология маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини холис маълумотлар, аҳолининг реал эҳтиёжларини акс эттирувчи социологик тадқиқотлар ва иқтисодий-ижтимоий фактлар асосида ташкил этишни талаб этади.

Бу ёндашув маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва норматив ҳужжатларнинг мантикий мутаносиблигини ҳамда амалий натижадорлигини оширишнинг асосий механизмидир. Маҳаллий бошқарувга позитивистик шартларни сингдириш орқали вакиллик ҳокимиятининг самарадорлигини аниқ ва ўлчанадиган кўрсаткичлар (индикаторлар) орқали баҳолаш имконияти яратилади. Натижада, маҳаллий вакиллик органлари прагматик ва ошкора асосда фаолият юритадиган, жамият ривожига реал ва ўлчанадиган ҳисса қўшадиган замонавий ижтимоий институтга айланади.

Коммунитаристик фалсафий ёндашув маҳаллий вакиллик ҳокимияти фаолиятининг марказига индивидуал манфаатлар билан бир қаторда маҳаллий жамоалар ва ижтимоий масъулиятни қўйиш лозимлигини кўрсатади. Маҳаллий бошқарув тизимида коммунитаризми принципларининг сингдирилиши аҳолининг ўз ҳудудига ва жамоасига бўлган дахлдорлик ва масъулият туйғусини кучайтиради. Ушбу ёндашув маҳаллий Кенгашлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳаллалар) ўртасидаги функционал ва маънавий интеграцияни таъминловчи кўприк вазифасини ўтайди. Маҳаллий даражада ижтимоий капитални ривожлантириш, ўзаро ёрдам ва жамоавий бирдамлик қадриятларини мустаҳкамлаш орқали вакиллик ҳокимиятининг ижтимоий базаси кенгаяди. Коммунитаристик ёндашув маҳаллий Кенгашларни шунчаки давлат аппаратининг қуйи бўғини эмас, балки маҳаллий жамоалар иродаси ва ягона мақсадларини мужассам этган ижтимоий-сиёсий бирдамлик марказига айлантиришни назарда тутати.

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформация қилишда делибератив демократия тамойилларини жорий этиш қарор қабул қилиш жараёнларининг легитимлиги ва ижтимоий мақбуллигини тубдан оширади. Делибератив фалсафа ҳокимият қарорларининг адолатлилигини шунчаки кўпчиликнинг овоз бериши билан эмас, балки аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасидаги чуқур, очиқ ва мантикий муҳокамалар орқали эришилган консенсус билан баҳолайди. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятига жамоатчилик муҳокамалари, очиқ эшитувлар ва фуқаролик дискурсларининг кенг киритилиши аҳолининг қарорлар қабул қилишда бевосита иштирокини кафолатлайди. Бу жараён ижтимоий низо ва зиддиятларни эрта олдини олиш, аҳолининг турли манфаатларини мувофиқлаштириш ҳамда ҳокимият қарорларига бўлган жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Делибератив механизмларни институционаллаштириш маҳаллий вакиллик органларини мулоқот ва ижтимоий шериклик платформаси сифатида қайта шакллантиради.

Позитивистик, коммунитаристик ва делибератив ёндашувларнинг синтези маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформация қилишнинг яхлит ва комплекс ижтимоий-фалсафий концепциясини шакллантиради. Бу ёндашувлар бир-бирини инкор этмасдан, аксинча, тўлдириб боради: позитивизм қарорларнинг аниқлиги ва прагматизмини, коммунитаризм ижтимоий жипслик ва маънавий масъулиятни, делибератив демократия эса ошқоралик ва фуқаролик мулоқотини таъминлайди. Ушбу учталиқнинг синергетик комбинацияси маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида бюрократик айниш, жамоатчиликдан узилиб қолиш ва самарасиз қарорлар қабул қилиш хавфини бартараф этади. Маҳаллий бошқарув тизимини бундай комплекс модернизация қилиш жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ва демократик тараққиётни таъминлашнинг концептуал пойдеворидир. Натижада, маҳаллий вакиллик ҳокимияти жамиятнинг ўзгарувчан талабларига тезкор ва адолатли мослаша оладиган эгилувчан ва мустаҳкам тизимга айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoev Sh.M. 7-tom. Xalqchil islohotlar xalqimiz manfaatlariga xizmat qiladi. M 54 – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2023. – B.408.
2. Mirziyoev Sh.M. Inson qadri, uning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlar uchun. M 54 – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2022. – B.416.
3. Mirziyoev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. To‘ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2023. – B.440.
4. Habermas, J. Between Facts and Norms: Contributions to a Discourse Theory of Law and Democracy. – Cambridge, Massachusetts: MIT Press, 1996. – 676 p.
5. Dryzek, J. S. Deliberative Democracy and Beyond: Liberals, Critics, Contestations. – Oxford: Oxford University Press, 2000. – 202 p.
6. Fishkin, J. S. When the People Speak: Deliberative Democracy and Public Consultation. – Oxford: Oxford University Press, 2011. – 256 p.
7. Cohen, J. Deliberative Democracy and Democratic Legitimacy. // The Good Polity: Normative Analysis of the State / edited by A. Hamlin, B. Pettit. – Oxford: Blackwell, 1989. – Pp. 17-34 (Umumiy kitob: 212 p.).
8. Gutmann, A., Thompson, D. Why Deliberating Democracy? – Princeton, New Jersey: Princeton University Press, 2004. – 226 p.
9. Spencer, H. (1876–1896). The Principles of Sociology [Социология тамойиллари]. London: Williams and Norgate; Spencer, H. (1851). Social Statics [Ижтимоий статика]. London: John Chapman.